Биография

Иристой Қўчқортоев



Иристой Қўчқортоев 1936 йилнинг 5 июлида Қозоғистонда (ҳозирги Чимкент областининг Сайрам районидаги Қорабулоқ қишлоғида) колхозчи оиласида туғилди. 1953 йили қишлоқдагу 3-ўрта мактабни (кумуш медаль билан), 1958 йилда Тошкент Давлат университетининг филология факультетини (имтиёзли диплом билан) тугатди. 1958— 60 йилларда ЎзССР Фанлар академиясининг А . С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлади; 1960—63 йилларда ТошДУ филология факультетининг тилшунослик кафедраси бўйича аспирантурада таҳсил кўрди; 1965 йилда Ш. У. Раҳматуллаев раҳбарлигида «Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлади. И. Қўчқортоев 1964 йилдан ТошДУ филология факультети тилшунослик кафедрасида иш бошлаган. 1981-82 йилларда ўзбек филологияси факультети декан ўринбосари, 1987-95 йилларда факультет декани, 1997 йилдан Турк филологияси кафедраси мудири лавозимларида ишлаган. Олимнинг илмий фаолияти кўпроқ А. Қаҳҳор асарлари тилини, хусусан, фразеологизмларини, қисман, лексик-семантик ҳодисаларни ўрганиш билан боғликдир. У ўзининг «Абдулла Қаҳҳорнинг халқ ибораларидан ижодий фойдаланиши», «Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси моделлари бўйича янги иборалар яратиши», «Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси асосида янги иборалар яратишига доир» каби қатор мақолаларида Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек тили фразеологик бойлигидан ижодий-индивидуал фойдаланиш йўлларини, ўзбек адабий тили фразеологияси тараққиётига қўшган баракали ҳиссасини кўрсатишга ҳаракат қилган. Олим «Абдулла Қаҳҳор асарларининг тили ва услуби» деган мавзуда илмий иш олиб борган. И. Қўчқортоев бадиий ижод билан ҳам шуғулланади: унинг болаларга атаб ёзган ҳикояларидан иборат «Яйловда», «Бу ишинг яхши», «Икки ва ўн бир» каби тўпламлари бор.

Асарлари:

1962

Синоним сўзлар ва уларнинг баъзи бир хусусиятлари. «Тилшунослик масалалари», I китоб, Тошкент.
«Юз» сўзининг синонимлари тарихидан. ТошДУ илмий асарлари, 2 0 2 -чиқиши, Тошкент.

1965

Абдулла Қаҳҳорнинг халқ ибораларидан ижодий фойдаланиши. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.
Абдулла Қақҳорнинг умумтил фразеологияси моделлари бўйича янги иборалар яратиши. «Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар», тўплам, Тошкент.
«Абдулла Қаҳҳорнинг умумтил фразеологияси асосида янги иборалар яратишига доир. «Узбек тили ва адабиёти» журнали, 4- сон, Тошкент.
Сўзга кўркни кимлар беради. «Фан ва турмуш» журнали, 7.

1967

Бадиий сўз устаси, Тошкент.

1975

Бадиий нутқстилистикаси, Тошкент.

1976

Тилшуносликка кириш (ҳаммуаллифликда). Дарслик.
Фердинанд де Соссюрнинг лингвистик концепцияси, Тошкент.

1977

Сўз маъноси ва унинг валентлиги, Тошкент.
Ўзбек тилида нутқ феъллари валент таҳлили, Тошкент.

1984

Туркий филологияга кириш (ҳаммуаллифликда). Дарслик.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.